

Факультет маълумотларни бошқариш

Факультет яратиш

Олий таълим муассасасида ўкув жараёни факультетлар кесимида ташкил этилади. Шу сабабли HEMIS ахборот тизимида ўкув жараённи ташкил этиш ва бошқариш вазифаларини амалга ошириш учун **Факультет маълумотларини шакллантириш** талаб этилади. ОТМ факультетларини яратишида факультет турига эътибор бериш зарур. Жумладан ОТМ факультетларининг қуидаги турлари мавжуд:

- Маҳаллий – бу давлат тасарруфидаги ОТМ факультети;
- Қўшма – бу бошқа давлатлар ОТМи билан ҳамкорликда очилган факультет;
- Бўлим – бу факультетта тенглаштирилган бўлим, масалан сиртқи ёки магистратура бўлими.
- Бошқа – факультетта тенглаштирилган бошқа турдаги бўлимлар;

ОТМ факультетларини яратиш **OTM strukturasi / Fakultet** менюсини орыали амалга оширилади (1-расм).

The screenshot shows the 'OTM strukturasi' section of the HEMIS OTM website. On the left, there is a sidebar with navigation links: 'OTM strukturasi' (selected), 'OTM haqida', 'Fakultet' (highlighted in blue), 'Kafedra', 'Bo'lum', 'Xodimlar', 'Akademik arxiv', and 'Xabarlar'. The main content area has a header 'Asosiy / Fakultet'. Below it, there is a table with columns 'Kod' and 'Nomi'. A message 'Xech narsa topilmadi' is displayed. To the right, there is a form for creating a new faculty:

Nomi*	Kompyuter injiniringi
Kod	999-101
Turi	Mahalliy

At the bottom right of the form is a blue button labeled 'Saqlash' (Save).

1-расм. Факультет маълумотларини шакллантириш

Факультет яратиш ойнасидан:

- **Nomi** майдонига факультет номини киритинг;
- **Kod** майдонига факультет кодини киритинг ;
- **Turi** майдонида факультет турини танланг.

Эслатма! Факультет кодининг бошланғич 3 та сондан иборат коди (999-____) ОТМ коди ҳисобланади ва у вазирлик ахборот тизими томонидан шакллантирилади. Коднинг қолган қисми факультетни яратиш жараёнида киритилади (масалан 999-101).

Факультетга тегишли маълумотлар шакллантирилгандан сўнг **Saqlash** тутмаси босилади ва натижада факультетлар рўйхати яратилган факультет пайдо бўлади (2-расм).

Kod	Nomi	Turi	Faol
999-101	Kompyuter injiniringi	Mahalliy	On
999-102	Telekommunikatsiya texnologiyalari	Mahalliy	On
999-103	Dasturiy injiniring	Mahalliy	On
999-104	Menejment	Mahalliy	On
999-105	Test fakuktet1	Mahalliy	On
999-106	Axborot xafsizligi	Mahalliy	On
999-107	Robotexnika	Mahalliy	On
999-108	Magistratura bo'limi	Bo'lim	On
999-111	UZbekcha	Mahalliy	On
999-120	MagistratuxaMohir	Mahalliy	On

2-расм. Факультетлар рўйхати

Юқорида келтирилган кетма-кетлик асосида ОТМнинг тегишли барча факультетлар яратиб чиқилади. ОТМ факультетлари жорий вақтда ўз фаолиятини олиб бораётган бўлса тизимда факультетнинг **FAOL** деб номланган калит қисми **актив** ҳолатда бўлади.

Агар факультет бутунлай ёпилиб еки факултетлар ўзаро бирлашган вақтда ушбу **FAOL** тугма **пассив** ҳолатга келтирилади. Пассив ҳолат тизим фйдаланувчилари учун ноқулайликлар келтириб чиқаришни олдини олади.

Факультетни таҳрирлаш

Факультетни таҳрирлаш учун факультетлар рўйхатидан тегишли факультет номига сичқонча билан босилади ва натижада факультетнинг маълумотлари таҳрирлаш майдонларига юкланади (2-расм).

Факультетни таҳрирлаш ойнасидан бирор бир таҳрирлаш амалини бажаринг ва **Saqlash** тугмаси танлаш орқали факультет маълумотларини сақланг.

Факультетни ўчириш

Яртилган факультет маълумотларини ўчириш учун факультетлар рўйхатидан тегишли факультет номига сичқонча билан босилади ва таҳрирлаш ойнасидан **O'chirish** тугмаси босилади (2-расм).

Эсламма. Агар тизимда факультетга боғланган маълумотлар шаклланган бўлса у холда тизим факультетни ўчиришга рухсат бермайди. Бундай ҳолларда факультетни ўчириш учун дастлаб унга боғланган маълумотларни ўчириш зарур.